



Сурхондарё вилояти:

## БАХТЛИ, ЭРКИН, ФАРОВОН

Бу сурхондарёликларнинг ҳаёти, бугунги нурафшон куни ва ёрқин истиқболи ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда айтилаётган илиқ сўзлардир. Бинобарин, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида комил ишонч билан “Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига, албатта, эришди”, деб таъкидлаган эди.



Бойсун тоғларида табиий бойликларнинг барча тури мужассам. Бугун Дарбанднинг оҳақ тошларига буюртма бераётган қурилиш ташкилотлари сони беҳисоб. Айниқса, бунёдкорлик ишлари учун зарур бўлган гипс маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйган тadbirkorларнинг ишлаб чиқаришдаги

ҳиссаси ортаётганини айтмайси-ми?! Ҳозир туманда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони салкам 400 та. Уларнинг аксарияти саноат маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан машғул.

(Давоми 2-бетда).

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ

жамиятда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг муҳим омилidir

Бугун жамият ҳаётида ахборот эркинлигини таъминлаш, давлат ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, уларни одамларнинг ўз фикр ва фикрларини, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан муносабати ва позициясини эркин ифода этаётган минбарга айлантириш энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг қонуний кафолатларини таъминлашга қаратилган, халқаро демократик талаб ва стандартларга тўла жавоб берадиган ҳуқуқий замин яратилгани, соҳанинг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва энг муҳими, бундай ишлар изчил давом эттириляётгани бу йўлдаги сазий-ҳаракатларимизнинг муҳим таркибий қисmidир.

Айни пайтда мазкур йўналишда кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар ҳам мавжуд. Бу вазифалар Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтириш, сўз эркинлигини таъминлашга оид қатор қонунийлик ташаббусларида ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очқлиги, телерадио эшиттиришлар, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатларига оид янги қонунарни қабул қилиш буйича ишларни тезлаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатларига

(Давоми 2-бетда).



### Ҳисор бағридаги йўл

Истиқлол шарофати билан пурвиқор Ҳисор тоғ тизмалари “чекинди”. Улкан харсанглр, бепоеъ даралар оша бунёд этилган мустаҳкам пўлат излар воҳага кут-баракат, файзу саҳоват олиб кирди. Бойсунга темир йўл келди. “Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон” йўналишида янги поезд қатнови йўлга қўйилди.

— Илгари Бойсунга ёки Дарбанд қишлоғига поезд келади, дейилса, афсонадай туюларди, — дейди дарбандлик 75 ёшли отахон

Юсуф Тоғаев. — Юртбошимиз ташаббуси, бунёдкор халқимиз азму шижоати билан ана шу афсона ҳақиқатга айланди. Темир йўл шарофати билан туманимиз ахлининг нафақат турмуш фаровонлиги, балки уларнинг онгу тафаккури, дунёқараши ҳам буткул ўзгарди. Янги-янги корхоналар ташкил қилиниб, иш билан банд фуқаролар сони кўпайди. Одамлар даромадига даромад қўшилди. Барчанинг эртанги кунга ишончи янада ортди.

Дарҳақиқат, Истиқлолимизнинг бекиёс имкониятлари “Аср мўъжизаси” дея эътироф этилган “Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон” те-

мир йўли қурилиши йилларида янада яққол намоён бўлди. Бир тасаввур қилайлик, умумий узунлиги 223 километрни ташкил этаётган бу янги йўналишдаги мустақиллик иншоотини қисқа муддатда бунёд этишнинг ўзи мўъжиза-ку! Қурилиш даврида бунёдкорлар ва йўлсозлар томонидан баландлиги 28-30 метргача бўлган тоғ қояларини қазиб, чуқурликларни тупроққа тўлдириб ишлари сифатли бажарилди.

Янги темир йўлнинг ишга туширилиши туманда кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик ривожига янада кенг йўл очди. Боиси,

### Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан мамлакатимизда рақамли телевидениени босқичма-босқич жорий қилиш борасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Эндиликда АНДИЖОН аҳолиси ҳам ушбу замонавий телекоммуникация хизматлари кўрсатила бошланди.

● ТЕРМИЗ туманида “Бахористон мебель” савдо-ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини йўлга қўйди. Айни пайтда ўнга яқин киши иш билан таъминланган корхонада дастлабки 20 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот сотувга чиқарилди.

● ЯНГИҚЎРҒОН туманидаги Ровут қишлоғида барча шарт-шароитга эга замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 430 миллион сўм сарфланди.

● ФАРФОНА шаҳрида таъкид рессон ва ёш мусаввирларнинг “Жон Ўзбекистон” деб номланган санъат кўргазмаси ўтказилмоқда. Унда, асосан, истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари акс эттирилган асарлар намойиш қилинаётир.

● ГУЛИСТОН туманилик Равайн Алимардонов тadbirkorларга яратиб бериляётган имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб, деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. 40 миллион сўмлик маблаг эвазига рўёбга чиқарилган мазкур лойиҳа туфайли ҳозир ойига 30 минг дона шлакоблок тайёрланмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## «ЎЗБЕКИСТОН — КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ»

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим ва мамлакатимиз Президентининг ушбу муҳим тadbirkorлик таъриқ сўзи ҳамон хоржий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, академик ва эксперт-таҳлил доираларининг диққат-эътиборида қоляётгани ҳолда кенг муҳокама қилинмоқда.

Жумладан, Германия Христиан-демократик иттифоқининг Шимолий Рейн-Вестфалия федерал ўлкасидаги “Senioren Union” ташкилоти бўлинмаси раҳбари Х. Зот минтақадаги мавжуд хавф-хатар ва иқтисодий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон “Ўзбек модели” тамойиллари асосида давлатнинг суверен тараққиш топширишида изчил йўналиш таъминлашининг уддасидан чиққанини қайд этди.

Унинг таъкидлашича, республиканинг ўтган давр мобайнида эришган ютуқлари, айниқса, иқтисодий соҳасида қўлга киритилган муваффақиятлар алоҳида диққатга сазовор бўлгани ҳолда, мамлакат раҳбари томонидан белгилаб берилган устуворликлар демократик янгилашиллар сурьатларини изчиллик билан жадаллаштириш ҳамда Ўзбекистонни барча жабҳаларда модернизациялашга йўналтирилгандир.

### Дунё нигоҳи

туртки ҳисобланади”, деб ҳисоблайди эксперт.

Германия Шарҳшунослик институти директори Г. Мулак Ўзбекистон халқи ва раҳбариятини кутлуг айём билан самимий муборакбод этар экан, республика тарихан қисқа давр ичида улкан муваффақиятларни қўлга киритгани танаб олган йўналиш тўғрисида далолат беришини таъкидлади.

“Бу иқтисодий янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш ҳамда мамлакатда вояга етаётган ёш авлод учун муносиб, порлоқ келажакни таъминлаш йўлидаги яна бир муҳим

“Ўзбекистон Республикасининг интилувчанлик асосидаги тараққиётини диққат билан кузатиб бораётган инсон сифатида айта оламани, мамлакат мустақил ривожланиш йилларида давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида катта зафарлари кўлга киритди.

Демократик ислохотлар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, иқтисодий ва бозор муносабатларидаги ўзгаришлар сингари эришилган натижалар Ўзбекистон — келажак буюк давлат эканини тасдиқлаш учун ҳаққоний асосдир”, деди, жумладан, Г. Мулак.

Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан чин дилдан кутлар экан,

(Давоми 2-бетда).

### «InterMedPharm — 2011»

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида “InterMedPharm Uzbekistan — 2011” III Халқаро иқтисослаштирилган тиббиёт кўргазмаси иш бошлади. Мазкур тadbirkor халқаро кўргазмалар компанияси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзфармсанот” ДАК ва бошқа бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилди.

“Ландвинд медикал”, “Контек медицина системс”, “Санве медицина” сингари жаҳонга машҳур компанияларида ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотларни олиб келишда маҳаллий дистрибуторлардан бири — “Premium texnics”нинг муносиб ҳиссаси бор. Мазкур ташкилот буюртмачиларга энг сўнгги русумдаги диагностика, гинекология ҳамда жарроҳлик асбоб-ускуналарини етказиб бермоқда.

— Тавсия этиляётган маҳсулотлар орасида нафақат шифо масканларида қўлланиладиган тиббий ускуналар, балки қўллаб мобил асбоблар ҳам бор, — дейди компания менежери Азиза Авезова. — Масалан, мўъжизгина кутича ёрдамида ҳомиладор аёллар ўзлари мустақил равишда боланинг урак уришини текширишлари мумкин. Шунингдек, кўргазмада қандили диабет, камқонлик, гипертония хасталикларига ҳам бемор фойдалана оладиган кичик ташхис асбобларини намойиш этмоқдамиз.

(Давоми 2-бетда).

## ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

Халқаро экспозицияда тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармон воситалари, стоматология жиҳозлари, биологик фаол қўшимчалар, фитомаҳсулотлар, шунингдек, замонавий тиббиёт марказларининг хизмат турлари намойиш этилмоқда. Тadbirkor маҳаллий фирма ва компаниялардан ташқари, Германия, Хитой, Ҳиндистон, Италия, Россия, Қозғистон, Покистон сингари 12 мамлакатнинг 40 дан зиёд

етакчи ишлаб чиқарувчилари ҳам қатнашаётир.

Кўргазманинг очилишида таъкидланганидек, бугун мамлакатимиз тиббиётида илгор технология ютуқлари ҳамда энг сўнгги муолажа услублари кенг қўлланиляётгани боис жойлардаги шифо масканларида қўллаб оғир хасталикларни самарали даволашга муваффақ бўлинмоқда. Бинобарин, кейинги йилларда энг мураккаб жар-

роҳлик амалиётлари муваффақиятли бажариляётгани, ирсий ҳамда юқумли хасталикларнинг олдини олишга эришиляётгани ана шундай ижобий кўрсаткичлар сирасидандир.

Уч кун давом этадиган навбатдаги кўргазмада ҳам шу сингари ютуқлар, тиббиёт мутахассислари ҳамда кенг жамоатчиликни қизиқтирган қўллаб янгиликлар намойиш этилмоқда. Юртимизга Хитой давлатининг

### Яхши хабар

Янги йўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғида “Комско Деу” қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Бир йўла 230 нафар кишини иш билан таъминлаган мазкур корхона хоржий шерикларнинг 15 миллион АҚШ долларлик сармоясига ҳисобига ташкил қилинди.

### Маҳаллий хом ашёдан ноёб маҳсулот

Эътиборли жиҳати, жаҳондаги санокли корхоналардан бири ҳисобланган “Комско Деу”да банк қимматли қоғозлари ҳамда пул банкнотлари учун қоғоз ишлаб чиқарилади. Корхонада маҳаллий хом ашё сифатида ливтан фойдаланилмоқда. Ишбилармонлар маҳсулот сотишдан йилга ўртача 7,5 миллион АҚШ доллари миқдорига даромад қўришни, яқин уч йил ичида эса қимматли қоғозлар бозорига 20 минг тоннадан ортқ сифатли маҳсулот етказиб беришни режалаштиришмоқда.

“Комско Деу”нинг иш бошлаши билан вилоятда фаолият юритаётган қўшма корхоналар сони 420 тага етди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# «ЎЗБЕКИСТОН – КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

**"Seloga Petroleum Sdn. Bhd."** компаниясининг ижроачи директори, Малайзиянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Р. Кушайри ўзининг мамлакатимиздаги иш фаолияти давомида сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларда ўтказилаётган изчил ва самарали ислохотларга шахсан гувоҳ бўлгани тўғрисида гап-рапар экан, "ҳозирги пайтда қатор давлатлар, шу жумладан, ривожланган мамлакатлардаги мавжуд иқтисодий мураккабликлар Ўзбекистоннинг эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишдек тўғри йўлни

танлаб олганини ва "ўзбек модели"нинг қай даражада ҳаётий ҳамда самарали эканлигини яна бир қарра тасдиқламоқда", дея таъкидлади.

**Малайзия тadbиркор аёллар халқаро уюшмасининг президенти Н. Борхан** жорий йил апрель ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлида амалга оширилаётган катта ўзгаришларга гувоҳ бўлганини маълум қилди. "Хусусан, республикада соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига бюджет маблағлари 60 фоизнинг йўналирилиши, шунингдек, оналар ва болалар ўлими даражасининг уч бараварга камайиши давлатнинг

ёш авлод тарбияси ҳамда оналик масалаларига юсак эътибор қаратаётганининг яққол тасдиғидир", дейди у.

Н. Борхан бу ҳақдаги фикрларини ўртоқлашишда давом этар экан, "ўсиб келаётган ёш авлод ҳақида ғамхўрлик кўрсатадиган халқ порлоқ ва гуллаб-яшнаган келажақ учун мустаҳкам замин қўяди", деб таъкидлади.

Унинг айтишича, Ўзбекистонга амалга оширилган ташриф ҳар томонлама фойдали бўлгани ҳолда, мамлакатимиз тўғрисидаги тасавурларини янада бойитди. "Самарқанд, Бухоро, Хива сингари очiq осмон остидаги музей шаҳарларни кўриб, мен ўзим учун жуда кўп янги

кирраларни кашф этдим. Регистон майдони, Амир Темура мақбараси, Бибиноним мадрасаси, Шох Зинда мажмуаси, Улуғбек расадхонаси ва бошқа кўплаб тарихий ёдгорликлар мени сира унутилмайдиган даражада ҳайратга солди", дейди Н. Борхан.

**Малайзия бизнесменлари ва санoатчилари уюшмасининг президенти М. И. Эмир** гарчи ҳозирча Ўзбекистонга бориш насиб этмаган бўлса ҳам турли халқаро илмий-амалий тadbирларнинг иштирокисига сифатида республикамизнинг ташқи дунё билан иқтисодий алоқаларини муваффақиятли йўлга қўйгани ҳолда, кенг кўламли ривожланиш сари из-

чил одимлаб бораётганидан яхши хабардор эканини маълум қилди. Экспертнинг таъкидлашича, бу мамлакатимиз юсак сиёсий обрў-эътибори, иқтисодий салоҳияти ва Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг амалий натижаси ҳисобланади.

— Биз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатингиз иқтисодиётига сезиларли зиён etkazмаганда гувоҳ бўлдик, — дейди М. И. Эмир. — Бу эса кўпгина халқаро экспертлар бир неча бор таъкидлаганидек, иқтисодиётни диверсификациялаш юзасидан ўз вақтида амалга оширилган ислохотлар самарасидир.

«Жаҳон» АА.

**МАМЛАКАТ бўйлаб**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ.** Қораўзақ туманидаги "Қорақалпоқ Верми" корхонасида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 1 миллиард сўмлик модернизация тadbирлари амалга оширилди.

## Модернизация экспортга йўл очди

Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, корхонада 70 киши иш билан таъминланди. Шунингдек, жамоа томонидан жорий йилнинг дастлабки олти ойида 110 минг АҚШ долларлик маҳсулот хорижга сотилди. Эътиборлиси, туманда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш эвазига шу йилнинг биринчи ярмида 1024 та иш ўрни яратилди.

Х. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**ПОЙТАХТИМИЗДА** Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

## «Энг яхши ҳуқуқ тарғиботчиси»

Тadbирда мамлакатимизда аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини юксалтириш, уларни умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Танловга юртимизнинг турли ҳудудларидан 80 га яқин номзоддан ҳужжатлар келиб тушган. Яқунда уларнинг 21 нафари 6 та номинация бўйича ғолиб деб топилди.

Танлов ғолиблари диплом, эсдалик нишони ва қимматбахо совғалар билан тақдирланди.

З. ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**НАМАНГАН.** "Чортоқ бош бекати" масъулияти чекланган жамияти "Узавтосаноатлининг" компанияси ёрдамида Самарқандда ишлаб чиқарилган 14 та "Isuzu" автобусини харид қилди.

## Лизинг имконият яратди

Эндиликда ушбу автобуслар туман марказини Ҳазратишо, Поромон сингари энг олис қишлоқлар билан боғлайдиган етти йўналишда мунтазам қатновни амалга оширмоқда. Шунингдек, жамиятда қўшимча 35 та иш ўрни яратилди.

Жорий йил охирига қадар яна 6 та худди шундай автобус келирилади. Пировардида Чортоқ туманида аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш сифати тубдан яхшиланади.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



## ТИББИЁТИМИЗ ЮТУҚЛАРИ НАМОЙИШИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Арт принт энд текстиль" корхонаси тиббиёт ходимлари учун мўлжалланган иш кийимлари, жарроҳларнинг бир марталик махсус либослари, кўрпа-тўшак жилдлари, шифохоналар учун ҳимоя кийимлари ва никоб сингари воситаларни ишлаб чиқаради. Эътиборлиси шундаки, ушбу маҳсулотлар бугун кунга келиб Марказий Осиё минтақаси ва Россияда ҳам ўз харидорларини топиб улгурди.

— Корхонамиз уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқда, — дейди савдо-сотик ишлари бўйича му-

тахассис Людмила Гурова. — Биз ўз маҳсулотларимизни маҳаллий хом ашёдан тайёрлаймиз. Яқин келажақда фаолиятимизни янада кенгайтириш, қўшимча 200 та иш ўрни яратишни кўзлаб турибмиз. Кўрғазмада қатнашиб, иш самарадорлигини ошириш айни пайтда жуда ҳам зарур эканлигига яна бир бор амин бўлдик. Маҳсулотларимиз сифати, ўзига хос дизайни ва экологик тоза хом ашёдан тайёрлангани боис кўпчиликда кизиқиш уйғотмоқда.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ

жамиятда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг муҳим омилidir

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Бугун ахборотни тезкорлик билан етказишга хизмат қиладиган ахборот-коммуникация воситалари шиддат билан ривожланиб бораётди. Мана шундай шароитда кучли ҳуқуқий ҳимоя механизмини яратиш, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий манфатини ҳимоя қилишни кафолатлаш, уларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш зарур. Бу оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириши, мазкур соҳа субъектлари учун қўшимча иқтисодий имтиёзлар (преференциялар) бериши, соҳага бозор механизмларини жорий этиши ва соғлом рақобат муҳитини яратиши, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаши билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Мазкур ҳуқуқий асослар ОАВни кўллаб-қувватлашга хизмат қилиб, келгусида жамоатчиликни янада тўла, ҳаққоний ва тезкор ахборот билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратяди.

Шу маънода, "Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини

давлат томонидан кўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар лойиҳаларида ОАВ фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситасининг мулкдори тўла шунчасини янада аниқроқ ҳамда қатъий нормалар асосида ёритиб беришни, мулкдор ҳуқуқ ва мажбуриятларини, тахриратларнинг тadbиркорлик фаолиятини, ОАВнинг ташкил этилиш шаклини белгилаб беришни, молиявий жиҳатдан таъминланиш манбаларини, мулкдор ва (ёки) мулкдорлар улушини, бу борада ҳомийлик ёрдамлари, тadbиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган даромадлардан фойдаланиш тартибини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ нормаларни назарда тутиш даркор.

Хулоса ўрнида айтганда, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий асослари яратилиши, айниқса, улар фаолиятини давлат томонидан кўллаб-қувватлашнинг кафолатлини соҳа ходимларининг жамият ҳаётидаги фаоллигини, масъулиятини янада кучайтиради.

Раҳимахон ҚҲРОНОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Темир йўлнинг тоғли ҳудудлардан ошиб ўтганлиги ўзига яраша мураккаб муҳандислик иншоотлари қуриши тақозо этарди. Шу сабаб ўша пайтда биргина "Деҳқонobod — Бойсун" йўналишида 31 кўприк қурилаганининг ўзи юртимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунаси бўлди. Натижда 159 та иншоот қисқа муддатларда қуриб битказилиб, темир йўл масофасининг олдингидан 170 километрга, ҳаракатланиш вақтининг 7 соатга қисқаришига эришилди. Яна бир эътиборли жиҳати, муқаддам темир йўл тармоғи қўшни республика орқали ўтганлиги боис, ўша давлатга тўланадиган катта миқдордаги маблағ тежаланди.

Муҳтасар айтганда, ана шундай беқис меҳнат ва улкан шижоат натижасида бунёд этилган "Тошгузар — Бойсун — Кумўрғон" темир йўлини ҳеч иккиланмай истиқлолимизнинг барҳаётлигини таъминловчи муҳим қон томирларидан бири, деб эътироф этиш мумкин.

## Баркамол авлодга аталган тўхфа

Жорий йилда Сурхондарё вилояти "Баркамол авлод" республика спорт мусобақаларига мезбонлик қилди. Президентимиз ана шу беллашувлар олдидан вилоятга ташрифи чоғида "Термизнинг мамлакатимиздаги ҳеч бир шаҳардан кам жойи йўқ. Биз Термизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирдик. Замонавий уйлар, муҳташам бинолар қурамыз. Ўзбекистон деган мамлакат Термиздан бошланади", дея алоҳида таъкидлади.

Бу даъват термизликларга янги-ча куч-ғайрат, илҳом шижоат бахш этди. Бугун шаҳар ахли бир тану бир эҳсон бўлиб, белларини маҳкам боғлаб юртин оבוד қилишдек улук ишга ўзларини чоғлашмоқда. Зеро, Термиз шаҳри Истиқлол нуридан мунаввар, навқирон ва нурафшон гўшага айланди.

— Мустақиллигимизнинг 20 йиллик тўйини шaҳримизда ҳар йилгидан-да улкан ютуқлар, ҳар қачонгидан-да кўтаринки кайфият билан қарши олдик, — дейди Термиз ижтимоий-иқтисодий коллежи директори Исроил Ботиров. — Бундан тўрт ой муқаддам Термизда "Баркамол авлод" спорт ўйинларини катта тантана билан ўтказган бўлсак, яқинда шaҳримиз республика "Аёллар спорт фестивали"га мезбонлик қилди. Ана шу йилги спорт байрамларига муносиб хозирлик қилиш мақсадида Термизни янада оבוד ва кўркам гўшага айлантириш чоралари қўрилди. Ўн минг томошабинга мўлжалланган "Сурхон" спорт мажмуаси,

Термиз олимпия захиралари, Термиз педагогика коллежларининг кўркам бинолари, Термиз давлат университети янги ўқув биноси, Термиз "Кураш" мажмуаси, замонавий теннис корти каби иншоотлар қурилиши шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

Албатта, бундай бунёдкорлик ишларидан кўзланган энг асосий мақсад шу заминда вояга етаётган ўғил-қизларнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб камол топишини таъминлашдир.

— Бугун ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилсак арзийди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиги Алишер Пардаев. — Айниқса, жаҳон стандартларига тўлиқ жавоб

Бинобарин, бундай беллашувларда фахрли ўринларни кўлга киритаётган спортчи қизларимизнинг хорж мусобақаларидаги муваффақиятларини кўриб, Барчиноиллар юрти бўлган Сурхон воҳасининг истиқбол порлоқ эканига яна бир қарра иқрор бўламиз.

## Тарақиётга йўналтирилаётган сармоялар

Термиз шаҳридаги "Snindong spinning Термес" Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхо-

қилинган бу ёшлар замонавий дастгоҳларни компьютер ёрдамида бошқаришга қўйиб.

Эътиборга молик яна бир далил: Сурхондарёда 2010 йилнинг шу даврида кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари сони 31 миң 161 тани ташкил қилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич ўтган йилдагига нисбатан 129 тага ошди. Бу кичик бизнеснинг вилоят яқли ҳудудий маҳсулотидоги улуши 58,8 фоизни ташкил этиб, ўтган йилдаги нисбатан 0,4 фоизга ошганини тасдиқлайди.

Албатта, янги корхоналарни ташкил этиш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш ва технологик

34061 иш ўрни яратилди, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиги Эркин Менглиев. — Бунга, асосан, тadbиркорларимиз томонидан юзлаб савдо, маиший хизмат кўрсатиш бинолари, замонавий ишлаб чиқариш нуқталарини қуриш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилash эвазига эришилди. Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 1494 та кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъекти фаолият бошлаши натижасида уларда иш билан банд аҳолининг 17922 нафари меҳнат қилимоқда. Бунинг натижасида иқтисодиёт тармоқларида соҳа вакил-



## БАХТЛИ, ЭРКИН, ФАРОВОН

## Сурхондарё вилояти:

# БАХТЛИ, ЭРКИН, ФАРОВОН

берадиган замонавий спорт иншоотларида машғулотлар ўтаётган баркамол, жисмоний чиниқан ўғил-қизларни кўриб, беихтиёр гурурланиб кетасан, киши. Ахир ана шу ёшлар яқин истиқболда юртимиз байроғини юксакларга кўтариб, Ўзбекистон довуруғини дунёга таратиши, шубҳасиз. Шу боис кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ёшларни спортга ошо этиш мақсадида вилоятнинг энг чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт

наси — нафақат шаҳардаги, балки вилоятдаги йилриқ ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бугун бу ерда 280 нафар киши иш билан банд. Даромад ҳам шунга яраша. Хар ойда 1 миллирдан 200 миллион сўмлик қўшма маҳсулот ишлаб чиқарилиб, маҳсулотнинг асосий қисми, яъни 95 фоизи хорижга экспорт қилинапти. Корхонага Япония, Жанубий Корея, Швеция ва Италия мамлакатларидан келтириб ўрнатилган илгор технологиялар тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифатли ва

ҳиҳатдан қайта ҳижозлаш борасида оқилона саъй-ҳаракатлар яқли ҳудудий маҳсулотда санoатнинг улуши тобора ортишида, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳажми кўнайтирилиши, янгидан-янги иш ўринлари яратилаётганида, шаҳар ва овуллар инфратузилмаси ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалаётганида акс этапти. Дарҳақиқат, бугунги янгиланиш, ривожланиш даврида замон билан ҳамқадамлик улкан ютуқларнинг омил бўлмоқда. Хусусан, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ҳам эл-юртга, ҳам ўз оиласига, ҳам яқинлари, маҳалладошларига наф келтираётган инсонлар шижоатига тасанно айтса, арзийди.

Хусусан, Узун туманида аҳолини иш билан таъминлаш, тadbиркорлик субъектларини кўпайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш асосий эътибор қаратилган маҳсулотлар қаторидан жой олган бўлса, Сарюсиёда чет эл инвесторлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар натижасида соҳага янги ва замонавий технологиялар кириб келмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда Сарюсиёдаги "Саховат" қўшма корхонасида Хитойнинг "Сян Лян Лун" компанияси технологиялари асосида полиэтилен плёнка ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, Хитой давлатининг "Хинжиян" Хирали Интернационал логистик СО ЛТД" корхонаси билан ҳамкорликда "Ормон қурилиш-бутиллаш" масъулияти чекланган жамиятида кислород ишлаб чиқарила бошланди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят шаҳар ва туманларида ҳудудий дастурлар доирасида

лари ҳиссаси йилдан-йилга орта-апти. Жумладан, уларнинг улуши санаатда 21,5 фоиз, қишлоқ ҳўжа-ликда 99,3, қурилишда 75,5 савдода 40,24, аҳолига пуллик хизмат кўрсатишда 58,7 фоизни ташкил этмоқда.

Албатта, бундай иjobий кўрсаткичлар Сурхон воҳасининг санoати тобора ривожланишида иқтисодий ҳудудлардан бирига айланаётганини аңглатади.

## Қадр ва эъзоз мезони

— Бугун меҳнат қилган инсон қадр топадиган давр келди, — дейди Сарюсиё туманидаги "Ҳайити Боймухамедов" фермер ҳўжалиги раҳбири Ойбек Норқуллов. — Ер ҳақиқий эгасини топи, миришкор деҳқонларимиз фермер, ишбилармон юртодошларимиз эса тadbиркор мулкдорга айланишди. Мен ҳам, қарийб 4 йилдирки, фермерлик фаолияти билан шуғулланаман. Президентимиз шу йил 22 апрелда вилоятимизга ташрифи чоғида фермерлар билан суҳбатда бўлиб, галлардан мўл ҳосил тўллаш, гўза парвариши, мавсумда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим агротехник тadbирлар ҳақида кўрсатма ва маслаҳатлар бердилар. Ана шунга амал қилиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Яқинда 44 гектар майдонда галла етиштириб, гектарига 88 центнердан сара дон топиладик. Шартнома мажбуриятларидан оширди етиштирилган 210 тонна галла эса омборимизда қолди. Ҳосилдорликнинг ошishi астойдил қилинган меҳнатга боғлиқ экан. Сув нисба-

тан танқис бўлиб, иқлим қуруқ келгани жорий мавсумда биз галлани, асосан, Юртобшимиз айтганларидек, шарбат уюлида сурдордик. Яна бир янгилик. Галлани суспензиялашнинг тунда — салқин пайтда амалга оширганамиз ҳам яхши самара берди. Биргина дон етиштиришдан 300 миллион сўм даромад олдик.

Бугунги кунда воҳада салкам 5 миңга фермер ҳўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг жорий йил биринчи ярмида яқли қишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотлари етиштиришдаги улуши 28,3 фоизни ташкил этди.

Сурхондарёда давлатимиз раҳбарининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чўқураштириш чоратadbирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам тақсирга лойиқ. Жорий йил кўламида воҳадаги боғдорчилик фермер ҳўжалиқлари томонидан 183 гектарлик серхосил боғлар яратилди.

Сариюсиёлик соҳибкор, "Боғу бустон" боғдорчилик фермер ҳўжалиги раҳбири Носирхон ота Тўракулов 24 гектардан иборат ерда лалми боғдорчилик билан машғул.

Дастлаб қир-адирларда бог учун соз ерларни танлаб, сўнгра кўчат экиладиган ўраларни унумдор тупроққа тўлдириган тажрибали боғбон кўпчилигининг "бундай ерларда мевали дарахт кўчатининг тутиб кетиши қийин, сувсизликдан қурийдил", деган фикри нотўғри эканлигини машаққатли меҳнати билан исботлаб берди. Носирхон ота ҳар бир туп кўчат атрофида ёмғир ва қордан кейин ишлов беришни қанда қилмади. Маҳаллий ўғит билан озиклантириб турди. Нам узок сақлангани боис, қисқа фурсатда адирларда кўрса кўз қувнайдиган ажиб боғлар буй кўрсатди. Бундан бир неча йил олдин Носирхон ота тажриба учун эккан 87 туп Эрон пистаси ҳам ўтган йилда илк ҳосилни берди. Тажрибали боғбоннинг тоғ дўнасига нок новдасини қилган пайванди ҳам бесамар кетмади. Эндиликда салкам 30 туп тоғ дўнаси дарахтда нок етиштирилмоқда. Икки-уч йилдирки, 9 гектар бог шигил ҳосил бераётир. Боғбоннинг тоғ шароитида етиштирилган узумлари мамлакатимиз бозорларида машғур.

Боғбоннинг меҳнати қадр топиб, жорий йилда "Ташаббус — 2011" республика кўрик-танлови ғолиби бўлди. Натижда у Президентимиз совғаси — "Спарк" автомашинаси билан тақдирланди. Айни пайтда боғбоннинг шоғирдлари, издошлари эл фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилишапти.

Нормурод ТЕМИРОВ, Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Дарҳақиқат, сурхондареликларнинг куч-ғайрати, азму шижоати ҳар қанча таҳсинга арзийди. Улар бугун мустақиллигимиз мустаҳкамлиги, оёсайишталлигимиз барқарорлиги ва тарақиётимиз бардавомлигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Тилида шўхрона, дилида шу азиз юрт шон-шўхратини янада юксалтирарман, деган муқаддас эътиқод, эзгу ният билан яшаётган бундай одамлар сафи кенглигини кўриб, Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига яна бир қарра амин бўласан, киши.



